



**ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДА АҲОЛИНИНГ ТАКРОР БАРПО БЎЛИШ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ
МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ ШАКЛЛАНИШИГА ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШ
(СОЦИОЛОГИК ТАДҚИҚОТ АСОСИДА)**

Баҳриддинова Муаззам

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги
“Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг
илмий асослари ва муаммолари” илмий-тадқиқот маркази
ORCID: 0000-0002-3742-5622

muazzambahriddinova@gmail.com

Аннотация. Мазкур мақолада Қашқадарё вилоятида аҳолининг такрор барпо бўлиш жараёнларининг меҳнат ресурслари шаклланишига таъсири социологик тадқиқотлар асосида баҳоланган. Тадқиқот доирасида ҳудуд аҳолиси ўртасида ўтказилган сўровнома натижалари таҳлил қилиниб, туғилиш даражаси, oilаларда фарзандлар сони, никоҳ ёши, миграция жараёнлари, турмуш шароити ва аҳоли саломатлиги каби омилларнинг меҳнат ресурслари шаклланишига таъсири аниқланган. Таҳлил натижаларига кўра, ҳудудда демографик жараёнларнинг барқарорлиги ва юқори туғилиш майли меҳнат ресурслари ўсиши учун асос яратаётгани, бироқ миграция ва ижтимоий инфратузилма билан боғлиқ айрим муаммолар мавжудлиги қайд этилган. Тадқиқот натижалари асосида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш ва демографик жараёнларни тартибга солиш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: аҳолининг такрор барпо бўлиши, меҳнат ресурслари, демографик жараёнлар, туғилиш даражаси, никоҳ ёши, миграция, аҳоли саломатлиги, турмуш шароити, социологик тадқиқот.

**ОЦЕНКА ВЛИЯНИЯ ПРОЦЕССОВ ВОСПРОИЗВОДСТВА НАСЕЛЕНИЯ НА ФОРМИРОВАНИЕ
ТРУДОВЫХ РЕСУРСОВ В КАШКАДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ
(НА ОСНОВЕ СОЦИОЛОГИЧЕСКОГО ИССЛЕДОВАНИЯ)**

Баҳриддинова Муаззам

Научно-исследовательский центр
«Научные основы и проблемы развития экономики Узбекистана»
при Ташкентском государственном экономическом университете

Аннотация. В данной статье на основе социологического исследования проведена оценка влияния процессов воспроизводства населения на формирование трудовых ресурсов в Кашкадарьинской области. В рамках исследования проанализированы результаты анкетного опроса населения региона, выявлено влияние таких факторов, как уровень рождаемости, количество детей в семьях, возраст вступления в брак, миграционные процессы, условия жизни и состояние здоровья населения на формирование трудовых ресурсов. Результаты анализа показали, что стабильность демографических процессов и высокая склонность к рождаемости в регионе создают основу для роста трудовых ресурсов, однако сохраняются отдельные проблемы, связанные с миграцией населения и развитием социальной инфраструктуры. По итогам исследования разработаны практические рекомендации по эффективному использованию трудовых ресурсов и совершенствованию регулирования демографических процессов.

Ключевые слова: воспроизводство населения, трудовые ресурсы, демографические процессы, уровень рождаемости, возраст вступления в брак, миграция, здоровье населения, условия жизни, социологическое исследование.

ASSESSING THE IMPACT OF POPULATION REPRODUCTION PROCESSES ON THE FORMATION OF LABOR RESOURCES IN KASHKADARYA REGION (BASED ON A SOCIOLOGICAL SURVEY)

Bahriddinova Muazzam

*Scientific Research Center "Scientific Foundations and Problems of Economic Development of Uzbekistan"
under Tashkent State University of Economics*

Abstract. *This article assesses the impact of population reproduction processes on the formation of labor resources in the Kashkadarya region based on the results of a sociological survey. The study analyzes survey data collected among the regional population and identifies the influence of factors such as fertility rates, number of children in families, age at marriage, migration processes, living conditions, and population health on the formation of labor resources. The findings indicate that the stability of demographic processes and the high fertility orientation observed in the region create favorable conditions for the growth of labor resources. At the same time, several challenges related to migration and the development of social infrastructure remain significant. Based on the research results, practical recommendations have been developed to improve the efficient utilization of labor resources and enhance the regulation of demographic processes.*

Keywords: *population reproduction, labor resources, demographic processes, fertility rate, age at marriage, migration, population health, living conditions, sociological survey.*

Кириш.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда аҳолининг такрор барпо бўлиш жараёнлари ва унинг меҳнат ресурслари шаклланишига таъсирини ўрганиш долзарб илмий-амалий масалалардан бирига айланмоқда. Айниқса, ҳудудлар кесимида демографик жараёнларнинг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этиш меҳнат бозори мувозанатини таъминлаш, бандлик сиёсатини такомиллаштириш ҳамда инсон капиталини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Қашқадарё вилояти республикада демографик ўсиш суръатлари юқори бўлган ҳудудлардан бири ҳисобланади. Ушбу ҳудудда туғилиш даражасининг юқорилиги, аҳоли таркибида ёшлар улушининг катталиги, шунингдек ички ва ташқи миграция жараёнларининг фаоллиги меҳнат ресурслари шаклланишига бевосита таъсир кўрсатмоқда. Бу эса ҳудудда аҳолининг такрор барпо бўлиш жараёнларини комплекс ўрганиш ва унинг меҳнат ресурслари билан ўзаро боғлиқлигини таҳлил қилиш заруратини белгилайди.

Мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш ва инсон капиталини ривожлантиришга қаратилган ислохотлар изчил амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 17 январдаги "2025 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги PQ-12-сон қарорида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш устувор вазифа сифатида белгиланган. Шунингдек, 2024 йил 4 октябрдаги PQ-347-сон қарорида бандлик сиёсатини такомиллаштириш ва камбағалликни қисқартиришнинг институционал асослари мустаҳкамланган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон-2030" стратегиясини амалга оширишга оид фармонларида инсон капиталини ривожлантириш, ёшлар бандлигини ошириш ва демографик жараёнларни самарали бошқариш устувор йўналишлар сифатида белгиланган. Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар аҳолининг такрор барпо бўлиш жараёнларини чуқур ўрганиш ва уни меҳнат бозори билан узвий боғлиқ ҳолда таҳлил қилиш муҳимлигини янада кучайтиради.

Илмий тадқиқотлар кўрсатишича, аҳолининг такрор барпо бўлиш жараёнларига туғилиш даражаси, никоҳ ёши, миграция оқимлари, аҳолининг турмуш даражаси ҳамда ижтимоий инфратузилма ҳолати каби омиллар сезиларли таъсир кўрсатади. Ўтказилган социал-демографик сўровнома натижаларига кўра, оилаларда фарзандлар сони, никоҳга кириш ёши ва миграция сабаблари ҳудудлар кесимида фарқланиши аниқланган бўлиб, бу меҳнат ресурслари шаклланишининг ҳудудий хусусиятларга эга эканлигини тасдиқлайди.

Шу нуқтаи назардан, Қашқадарё вилоятида аҳолининг такрор барпо бўлиш жараёнларини ижтимоий-демографик омиллар асосида таҳлил қилиш ҳамда унинг меҳнат ресурслари шаклланишига таъсирини баҳолаш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Адабиётлар шарҳи.

Аҳолининг такрор барпо бўлиш жараёнлари ва унинг меҳнат ресурслари шаклланишига таъсири масалалари демография ва меҳнат иқтисодиёти соҳасидаги муҳим илмий йўналишлардан бири ҳисобланади. Ушбу муаммонинг назарий ва амалий жиҳатлари хорижий ва маҳаллий олимлар томонидан кенг ўрганилган. Жумладан, демографик жараёнларнинг иқтисодий ривожланишга таъсири классик демографик назариялар доирасида кўриб чиқилиб, аҳоли ўсиши, туғилиш ва ўлим даражаси ҳамда миграция жараёнлари меҳнат ресурслари ҳажми ва сифатини белгилаб берувчи асосий омиллар сифатида баҳоланади. Айниқса, демографик ўтиш назариясига кўра, аҳолининг такрор барпо бўлиш босқичлари иқтисодий ривожланиш даражаси билан узвий боғлиқ эканлиги таъкидланади.

Хорижий тадқиқотларда меҳнат бозори ва демографик жараёнлар ўртасидаги боғлиқликни баҳолашга алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, аҳолининг ёш-жинсий таркиби, таълим даражаси ва урбанизация жараёнлари меҳнат ресурсларининг сифат кўрсаткичларини шакллантирувчи муҳим омиллар сифатида қаралади. Шунингдек, миграция жараёнлари меҳнат бозорида таклиф ва талаб мувозанатига бевосита таъсир кўрсатиши илмий жиҳатдан асослаб берилган. Маҳаллий олимлар томонидан ҳам аҳолининг такрор барпо бўлиш жараёнлари ва меҳнат ресурслари шаклланиши масалалари кенг ўрганилган. Хусусан, Ўзбекистон шароитида демографик жараёнларнинг ҳудудий хусусиятлари, туғилиш даражаси ва аҳоли таркибида ёшлар улушининг юқорилиги меҳнат бозорига босимни ошираётганлиги таъкидланади[9]. Шу билан бирга, аҳоли бандлигини таъминлашда демографик омилларни инобатга олиш зарурлиги илмий жиҳатдан асосланган.

Сўнгги йилларда олиб борилган тадқиқотларда аҳолининг такрор барпо бўлиш жараёнларини социологик усуллар асосида ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, сўровнома натижалари асосида оилаларда фарзандлар сони, никоҳ ёши ва миграция майллари каби кўрсаткичлар таҳлил қилиниб, уларнинг ҳудудий фарқланиши аниқланган. Бу эса демографик жараёнларни чуқур ўрганишда эмпирик тадқиқотларнинг аҳамияти юқори эканлигини кўрсатади. Шу билан бирга, давлат сиёсати доирасида қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам аҳоли такрор барпо бўлиш жараёнлари ва меҳнат ресурслари шаклланишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, аҳоли бандлигини таъминлаш, ёшлар ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, миграция жараёнларини тартибга солишга қаратилган чора-тадбирлар демографик жараёнларнинг иқтисодий натижаларини яхшилашга хизмат қилмоқда. Юқоридаги илмий тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, аҳолининг такрор барпо бўлиш жараёнлари ва меҳнат ресурслари шаклланиши ўртасида узвий боғлиқлик мавжуд бўлиб, уни ҳудудлар кесимида, хусусан Қашқадарё вилояти мисолида чуқур ўрганиш долзарб аҳамиятга эга.

Тадқиқот методологияси.

Тадқиқотда аҳолининг такрор барпо бўлиш жараёнларининг меҳнат ресурслари шаклланишига таъсирини баҳолашда социологик сўров, статистик гуруҳлаш, қиёсий таҳлил, монографик кузатув, таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция ҳамда график тасвирлаш усулларида фойдаланилди. Тадқиқотнинг эмпирик базасини Қашқадарё вилоятининг Қарши, Китоб, Шаҳрисабз, Яккабоғ, Чироқчи ва Деҳқонобод туманларида 2500 нафар респондент иштирокида ўтказилган социал-демографик сўровнома натижалари ташкил этди. Сўровнома маълумотлари асосида аҳолининг туғилиш майли, оилалардаги фарзандлар сони, никоҳ ёши, миграция жараёнлари, турмуш шароити ва аҳоли саломатлиги билан боғлиқ кўрсаткичлар статистик таҳлил қилинди ҳамда уларнинг меҳнат ресурслари шаклланишига таъсири баҳоланди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Мазкур тадқиқот доирасида Қашқадарё вилояти аҳолиси ўртасида социал-демографик сўровнома ўтказилди. Сўровнома махсус ишлаб чиқилган дастур асосида ташкил этилди ва унда жами 2500 нафар респондент иштирок этди. Тадқиқотда ҳудудларни танлашда уларнинг табиий-иқтисодий шароити, жойлашуви, аҳоли бандлиги ҳамда ҳўжалик юритиш хусусиятларидаги фарқлар инобатга олинди.

Сўровнома вилоятнинг қишлоқ аҳолиси ўртасида ўтказилиб, Қашқадарё вилоятининг қуйидаги туманлари қамраб олинди: Қарши, Китоб, Шаҳрисабз, Яккабоғ, Чироқчи ва Деҳқонобод туманлари. Мазкур туманлар табиий-географик жойлашуви ва иқтисодий ихтисослашувига кўра бир-биридан фарқ қилади, бу эса демографик жараёнларни ҳудудий кесимда таҳлил қилиш имконини беради. Жумладан, Қарши тумани вилоят марказига яқинлиги ва инфратузилманинг нисбатан ривожланганлиги билан ажралиб турса, Китоб ва Шаҳрисабз туманлари тоғолди ва тоғли ҳудуд сифатида ўзига хос демографик хусусиятларга эга. Яккабоғ ва Чироқчи туманларида қишлоқ ҳўжалиги устунлик қилади, Деҳқонобод тумани эса нисбатан чекка ва табиий шароити мураккаб ҳудудлардан бири ҳисобланади.

Сўровнома 20 та асосий саволдан иборат бўлиб, унда респондентларнинг ёши, оилавий ҳолати, фарзандлар сони, никоҳга кириш ёши, миграция жараёнларида иштирок этиши, турмуш даражаси, тиббий хизматдан фойдаланиш имконияти ҳамда яшаш ҳудудининг экологик ҳолати каби кўрсаткичлар қамраб олинди.


Мазкур ёндашув аҳолининг такрор барпо бўлиш жараёнларини комплекс баҳолаш, шунингдек, унинг меҳнат ресурслари шаклланишига таъсир этувчи асосий омилларни аниқлаш имконини беради. Сўровнома натижалари ҳудудлар кесимида демографик жараёнларнинг фарқланишини кўрсатиш билан бирга, меҳнат бозоридаги тенденцияларни тушуниш учун муҳим эмпирик асос вазифасини бажаради.

Аҳолининг такрор барпо бўлиш жараёнларини баҳолашда оилалардаги фарзандлар сони муҳим демографик кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Ушбу кўрсаткич туғилиш даражаси, демографик майл ва келгусидаги меҳнат ресурслари шаклланиш тенденцияларини ифодалайди.

Ўтказилган социал-демографик сўровнома натижаларига кўра, Қашқадарё вилояти туманлари кесимида оилаларнинг фарзандлар сони бўйича тақсимланиши қуйидагича ифодаланади (1-расм).

Расм маълумотларидан кўриниб турибдики, Қашқадарё вилоятида оилаларда 2–4 нафар фарзандлилик устунлик қилади. Айниқса, 3 нафар фарзандли оилалар барча туманларда энг юқори улушни ташкил этмоқда. Бу ҳолат ҳудудда ўртача туғилиш модели шаклланганлигини кўрсатади. Хусусан, Деҳқонобод (31,5 %) ва Чироқчи (30,2 %) туманларида 3 нафар фарзандли оилаларнинг юқори улуши ушбу ҳудудларда демографик ўсиш суръатларининг юқорилигидан далолат беради. Бу эса келгусида меҳнат ресурслари ҳажмининг ортишига хизмат қилади. Шу билан бирга, 4 нафар

фарзандли оилалар ҳам сезиларли улушга эга бўлиб, айниқса Шаҳрисабз (25,1 %) ва Китоб (24,3 %) туманларида юқори кўрсаткич кузатилади. Бу ҳолат анъанавий кўп болаликка мойиллик ҳали ҳам сақланиб қолаётганлигини англатади. 1 нафар фарзандли оилалар улуши нисбатан паст бўлиб, асосан Қарши (8,1 %) ва Шаҳрисабз (6,9 %) туманларида кузатилади. Бу эса мазкур ҳудудларда демографик хулқ-атворда кескин ўзгаришлар кузатилмаётганлигини кўрсатади.



1-расм. Қашқадарё вилояти туманларида оилаларнинг фарзандлар сони бўйича тақсимланиши (%)

Кўп болали оилалар (5 ва ундан юқори фарзандли) улуши айрим туманларда сезиларли даражада сақланиб қолган. Жумладан, Қарши ва Шаҳрисабз туманларида 5 ва ундан ортиқ фарзандли оилаларнинг мавжудлиги юқори туғилиш даражаси сақланаётганлигини кўрсатади. Умуман олганда, таҳлил натижалари Қашқадарё вилоятида аҳолининг такрор барпо бўлиш жараёнлари барқарор ва нисбатан юқори даражада кечаётганлигини кўрсатади. Бу эса меҳнат ресурслари шаклланиши учун кенг демографик база мавжудлигини англатади.

Аҳолининг такрор барпо бўлиш жараёнларини прогноз қилишда демографик майлни ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Шу мақсадда респондентларга “Сизнингча, оилада нечта фарзанд бўлгани маъқул?” деган савол берилди. Мазкур кўрсаткич келгусида туғилиш даражасининг қай даражада шаклланишини баҳолаш имконини беради.

Сўровнома натижаларига кўра, Қашқадарё вилояти туманлари кесимида жавоблар қуйидагича тақсимланган (2-расм).

Расм маълумотларидан кўриниб турибдики, Қашқадарё вилоятида аҳоли орасида энг кўп маъқул кўрилган фарзандлар сони 4 нафарни ташкил этмоқда. Айниқса, Қарши (38,7 %) ва Шаҳрисабз (39,1 %) туманларида бу кўрсаткич юқори бўлиб, анъанавий кўп болалик қадриятлари ҳали ҳам сақланиб қолаётганлигини кўрсатади. Иккинчи ўринда 3 нафар фарзандлилик устунлик қилади. Деҳқонобод (34,6 %) ва Чироқчи (33,1 %) туманларида мазкур кўрсаткич юқори бўлиб, бу ҳудудларда ўртача болалик модели шаклланаётганлигини англатади. 2 нафар фарзандлиликни маъқулловчилар улуши нисбатан пастроқ бўлиб, асосан Деҳқонобод (22,4 %) ва Чироқчи (20,7 %) туманларида

ТУМАНЛАР	1	2	3	4	5	6+
ҚАРШИ	0,5	16,2	28,4	38,7	10,1	6,1
КИТОБ	0,3	17,8	30,2	36,5	9,4	5,8
ШАҲРИСАБЗ	0,4	15,6	29,7	39,1	10,8	4,4
ЯККАБОҒ	0,6	18,9	31,5	34,8	8,7	5,5
ЧИРОҚЧИ	0,8	20,7	33,1	32,6	7,9	4,9
ДЕҲҚОНОБОД	0,7	22,4	34,6	30,8	6,3	5,2

Таҳлил натижаларига кўра, Қашқадарё вилоятида никоҳга киришнинг энг юқори улуши 20 ёшга тўғри келади (28,7 %). Бу эса ҳудудда никоҳнинг нисбатан эрта ёшларда амалга оширилишини кўрсатади. Шунингдек, 19 ёш (15,4 %) ва 21 ёш (13,2 %) да никоҳга кириш ҳолатлари ҳам юқори улушни ташкил этади. Демак, респондентларнинг катта қисми 19–21 ёш оралиғида оила қураётганлиги аниқланди. 18 ёшгача никоҳ ҳолатлари

хам (9,8 %) маълум даражада сақланиб қолган бўлиб, бу айрим ҳудудларда эрта никоҳ анъаналари мавжудлигини кўрсатади. Бу ҳолат демографик жараёнларга ижобий таъсир билан бирга, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан муайян муаммоларни ҳам келтириб чиқариши мумкин. 22–24 ёш оралиғида никоҳга кирганлар улуши (18,6 %) ва 25 ёшдан кейин никоҳга кирганлар (14,3 %) нисбатан пастроқ бўлиб, бу ҳудудда кеч никоҳ моделининг кенг тарқалмаганлигини кўрсатади. Умуман олганда, таҳлил натижалари Қашқадарё вилоятида никоҳ ёшининг нисбатан эрта эканлигини ва бу ҳолат туғилиш даражасининг юқори бўлишига хизмат қилаётганлигини кўрсатади. Эрта никоҳ натижасида репродуктив давр узайиши кузатилиб, бу оилаларда фарзандлар сонининг кўпайишига олиб келади. Шу билан бирга, мазкур ҳолат келгусида меҳнат ресурслари шаклланишининг кенгайишига олиб келса-да, таълим даражаси, аёллар бандлиги ва инсон капитали сифати таъсир кўрсатувчи омил сифатида ҳам баҳоланиши лозим.



3-расм. Респондентларнинг никоҳга кириш ёши бўйича тақсимланиши (%)

Аҳолининг такрор барпо бўлиш жараёнларида миграция муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Айниқса, меҳнат миграцияси аҳоли сони, унинг ёш-жинсий таркиби ҳамда меҳнат ресурслари шаклланишига бевосита таъсир кўрсатади. Сўровнома доирасида респондентларга “Охирги бир йил ичида Сиз ёки оила аъзоларингиздан бири бошқа ҳудудга борганми?” деган савол берилди. Олинган натижаларга кўра, Қашқадарё вилоятида миграция жараёнлари анча фаол эканлиги аниқланди ([4] манба асосида).

Таҳлил натижаларига кўра, респондентларнинг катта қисми вилоят ичидаги бошқа туманларга кўчиб борган. Бу ҳолат айниқса қишлоқ ҳудудларида иш ўринлари чекланганлиги ва аҳолининг иқтисодий фаоллигини таъминлаш зарурати билан изоҳланади. Иккинчи ўринда республика бошқа ҳудудларига миграция қайд этилган бўлса, энг кам улушни ташқи (хорижий) миграция ташкил этади. Бу эса ҳудудда асосан ички меҳнат миграцияси устун эканлигини кўрсатади. Айниқса, Чироқчи ва Деҳқонобод туманларида аҳолининг бошқа ҳудудларга чиқиб ишлаши юқори эканлиги кузатилади. Бу ҳолат мазкур туманларда иқтисодий имкониятлар чекланганлиги ва меҳнат ресурсларининг ортиқчалиги билан боғлиқ.

Сўровнома натижаларига кўра, аҳолининг бошқа ҳудудларга кўчиб боришининг асосий сабаби ишлаш билан боғлиқ эканлиги аниқланди. Айниқса, ёшлар орасида меҳнат миграцияси устунлик қилади.

Шунингдек, қуйидаги омиллар ҳам муҳим ўрин тутди:

- таълим олиш мақсадида кўчиш
- даволаниш эҳтиёжи
- вақтинчалик дам олиш
- бошқа ижтимоий сабаблар

Жумладан, Қарши ва Шаҳрисабз туманларида таълим билан боғлиқ миграция юқорироқ бўлса, Чироқчи ва Яккабоғ туманларида меҳнат миграцияси устунлик қилади.

Миграция жараёнлари таҳлили шуни кўрсатадики, Қашқадарё вилоятида меҳнат ресурслари ҳаракатчанлиги юқори даражада. Бу бир томондан аҳолининг иқтисодий фаоллигини оширса, иккинчи томондан ҳудудда меҳнат ресурслари таркибида муайян номутаносибликларни келтириб чиқариши мумкин. Айниқса, ташқи ва ички миграция натижасида аҳолининг ёш-жинсий таркибида ўзгаришлар кузатилиб, бу оила қуриш, туғилиш даражаси ва умумий демографик жараёнларга таъсир кўрсатади.

Шу билан бирга, меҳнат миграцияси орқали аҳолининг даромад манбалари кенгайса-да, узоқ муддатли истиқболда меҳнат ресурсларининг ҳудудда етишмаслиги ёки сифатига таъсир кўрсатиши мумкин. Умуман олганда, миграция жараёнлари Қашқадарё вилоятида аҳолининг такрор барпо бўлиш жараёнлари ва меҳнат ресурслари шаклланишига икки томонлама — ҳам ижобий, ҳам салбий таъсир кўрсатувчи муҳим омил сифатида намоён бўлмоқда.

Аҳолининг такрор барпо бўлиш жараёнларига таъсир этувчи муҳим омиллардан бири — бу аҳолининг турмуш даражаси ва яшаш шароитларидир. Турмуш шароити нафақат туғилиш даражасига, балки ўлим кўрсаткичлари, саломатлик ҳолати ва умуман инсон капитали сифатига ҳам бевосита таъсир кўрсатади. Сўровнома доирасида респондентларга “Сиз яшаётган жойда аҳолининг турмуш шароитларини қандай баҳолайсиз?” деган савол берилди. Олинган натижаларга кўра, Қашқадарё вилояти туманлари кесимида турмуш шароити қуйидагича баҳоланган.

Сўровнома натижаларига кўра, айрим туманларда аҳолининг тоза ичимлик суви билан таъминланиш даражаси етарли эмаслиги аниқланди. Айниқса, чекка ҳудудларда аҳоли ариқ, канал ёки бошқа манбалардан фойдаланиши кузатилади. Бу ҳолат аҳоли саломатлигига салбий таъсир кўрсатиб, юқумли касалликлар тарқалишига сабаб бўлиши мумкин. Натижада, ўлим кўрсаткичлари ортиши ва демографик жараёнларга салбий таъсир эҳтимоли юзага келади.

Респондентларнинг фикрига кўра, ҳудудлардаги экологик ҳолат асосан “ўртача” деб баҳоланган. Бироқ айрим туманларда сув ва тупроқ сифати билан боғлиқ муаммолар мавжудлиги қайд этилган. Экологик омиллар аҳоли саломатлигига таъсир кўрсатиб, узоқ муддатда демографик жараёнларга, хусусан ўлим ва туғилиш кўрсаткичларига таъсир қилиши мумкин (4-расм).

Расм маълумотларидан кўриниб турибдики, Қашқадарё вилоятида аҳолининг катта қисми ўз турмуш шароитини “яхши” ва “ўртача” деб баҳолайди. Бу эса ҳудудда яшаш шароитлари умумий жиҳатдан қониқарли даражада эканлигини кўрсатади. Хусусан, Қарши (46,8 %) ва Шаҳрисабз (45,9 %) туманларида “яхши” деб баҳоловчилар улуши юқори бўлиб, бу ҳудудларда инфратузилма ва хизмат кўрсатиш соҳалари нисбатан ривожланганлигини кўрсатади. Шу билан бирга, Деҳқонобод (43,5 %) ва Чироқчи (41,2 %) туманларида аҳолининг катта қисми турмуш шароитини “ўртача” деб баҳолаган. Бу ҳолат мазкур ҳудудларда иқтисодий имкониятлар чекланганлигини англатади. “Ёмон” ва “оғир” деб баҳоловчилар улуши нисбатан паст бўлса-да, айрим туманларда мавжудлиги ижтимоий муаммолар сақланиб қолаётганлигидан далолат беради.



4-расм. Аҳолининг турмуш шароитини баҳолаш (% ҳисобида)

Турмуш шароити таҳлили шуни кўрсатадики, Қашқадарё вилоятида аҳолининг яшаш даражаси ўртача ва яхши деб баҳоланиши демографик барқарорлик учун маълум даражада ижобий шароит яратади. Бироқ, айрим ҳудудларда инфратузилманинг етарли эмаслиги, ичимлик суви муаммолари ва экологик ҳолатнинг қониқарли эмаслиги аҳоли саломатлиги ва демографик жараёнларга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шу сабабли, аҳолининг такрор барпо бўлиш жараёнларини самарали бошқариш учун ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, тиббий хизматлар сифатини ошириш ва экологик муаммоларни бартараф этиш муҳим аҳамиятга эга.

Хулоса ва таклифлар.

Олиб борилган тадқиқот натижалари Қашқадарё вилоятида аҳолининг такрор барпо бўлиш жараёнлари ва унинг меҳнат ресурслари шаклланиши ўртасида узвий боғлиқлик мавжуд эканлигини кўрсатди. Таҳлиллар натижасида аниқландики, ҳудудда оилаларда 3–4 нафар фарзандлилик устунлик қилиб, бу демографик ўсишнинг барқарор моделини шакллантирмоқда. Шу билан бирга, аҳоли орасида 4 нафар фарзандлиликка бўлган ижобий муносабат келгусида ҳам туғилиш даражасининг юқори сақланиб қолиш эҳтимолини кўрсатади. Никоҳ ёшининг асосан 19–21 ёшлар оралиғида шаклланганлиги репродуктив даврнинг узайишига ва туғилиш даражасининг ошишига хизмат қилмоқда. Бироқ, бу ҳолат таълим даражаси ва аёллар бандлигига таъсир кўрсатувчи омил сифатида ҳам намоён бўлади.

Миграция жараёнлари таҳлили ҳудудда меҳнат ресурслари ҳаракатчанлиги юқори эканлигини кўрсатди. Айниқса, ички меҳнат миграцияси устунлик қилиб, бу меҳнат бозорида ҳудудий номутаносибликларни юзага келтирмоқда. Шу билан бирга, аҳолининг турмуш шароити асосан ўртача ва яхши деб баҳоланиши демографик барқарорлик учун муайян ижобий шароит яратади. Бироқ, айрим ҳудудларда инфратузилма ва тиббий хизматлар билан боғлиқ муаммолар сақланиб қолаётганлиги аниқланди.

Аҳоли саломатлиги таҳлили касалликлар таркибида қон айланиш тизими ва нафас олиш аъзолари касалликлари устунлик қилишини кўрсатди. Бу ҳолат меҳнат ресурслари сифат кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, қуйидаги таклифлар ишлаб чиқилди:

- ҳудудларда аҳоли бандлигини оширишга қаратилган мақсадли дастурларни кучайтириш

- ёшлар ва аёллар бандлигини таъминлаш орқали демографик босимни юмшатиш
- чекка ҳудудларда тиббий хизматлар сифатини ва қулайлигини ошириш
- аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш даражасини яхшилаш
- ички меҳнат миграциясини тартибга солиш ва ҳудудларда янги иш ўринларини яратиш
- аҳоли саломатлигини яхшилашга қаратилган профилактик тадбирларни кучайтириш

Умуман олганда, Қашқадарё вилоятида аҳолининг такрор барпо бўлиш жараёнлари меҳнат ресурслари шаклланиши учун кенг имкониятлар яратаётган бўлса-да, ушбу жараёнларни самарали бошқариш ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда.

Адабиётлар /Литература/References:

- Becker G.S. (1993) *Human Capital: A Theoretical and Empirical Analysis*. – University of Chicago Press.
- Bloom D., (2000) *Canning D. Population Health and Economic Growth*. – World Bank.
- Lee R. (2003) *The Demographic Transition: Three Centuries of Fundamental Change* // *Journal of Economic Perspectives*.
- Todaro M.P., Smith S.C. (2015) *Economic Development*. – Pearson Education..
- Социал-демографик сўровнома натижалари (муаллиф томонидан ўтказилган тадқиқот материаллари).
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (2024) “Маҳаллада ижтимоий муҳитни яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 892-сон қарор 27 декабр..
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (2025) 11 мартдаги “Камбағалликни қисқартириш давлат мақсадли жамғармаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 158-сон қарори.
- Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси (2024) маълумотлари.
- Ўзбекистон Республикаси Президенти (2022) “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон фармон, 28 январ.
- Ўзбекистон Республикаси Президенти (2024) “Ўзбекистон–2030” стратегиясини амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисидаги ПФ-37-сон фармон, 21 феврал.
- Ўзбекистон Республикаси Президенти (2024) “Камбағалликни қисқартириш ва бандлик соҳасида давлат сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги PQ-347-сон қарор, 4 октябр.
- Ўзбекистон Республикаси Президенти (2024) “Янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигига қўмаклашиш дастури тўғрисида”ги PQ-7-сон қарор, 9 январ.
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 14 мартдаги “Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги PQ-103-сон қарори.
- Ўзбекистон Республикаси Президенти (2025) “Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш ва бандлигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги PQ-64-сон қарор, 14 феврал.
- Ўзбекистон Республикаси Президенти (2025) “2025 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги PQ-12-сон қарор, 17 январ.

Социал-демографик сўров анкетаси	1-илова
1. Вилоят_____туман_____қишлоқ_____ 2. Жинси_____туғилган йилингиз_____ 3. Оилангиз не _____ча кишидан иборат_____ 4. Нечта фарзандингиз бор_____ 5. Сизнингча оилада нечта фарзанд бўлгани маъқул_____ 6. Сиз неча ёшда никоҳга киргансиз__ 7. Сизнингча ҳозирги шароитда неча ёшдан оила қурган маъқул: 1. Йигитлар_____ 2. Қизлар_____ 8. Охирги бир йил ичида Сиз ёки оила аъзоларингиздан бирор киши бошқа жойларга борганми: - вилоятнинг бошқа туманларига; - республиканинг бошқа вилоятига; - чет давлатга 9. Сиз ёки оила аъзоларингиздан бирор киши нима учун бошқа жойларга борган: - ишга; - ўқишга; - дам олишга; - даволанишга; - бошқа сабаблар бўйича. 10. Умумий қилиб айтганда, Сиз яшаётган жойда (қишлоқда) аҳолининг турмуш, яъни кундалик ҳаёт шароитларини қандай баҳолайсиз: - жуда яхши; - яхши - ўртача; - ёмон; - оғир. 11. Уй хўжалигингизда водопровод мавжудми: 1. _____ха; 2. йўқ. 12. Уй хўжалигингиз ичимлик сувини асосан қаердан олади: - уй водопроводидан; - кўчадаги водопроводдан; - қўшни водопроводидан;	- ариқ, канал, дарё сувидан; - бошқа манбадан. 13. Сиз яшаётган жойнинг экологик ҳолатини (сув, ҳаво, тупроқнинг ҳолатини) қандай баҳолайсиз: 1. яхши. 2. ўртача. 3. ёмон. 4. оғир. 14. Охирги бир йил ичида оила аъзоларингиздан бирор бир одам касал бўлиб, врачга мурожаат этганми: 1. ха. 2. йўқ. 15. Сиз яшаётган жойда (қишлоқда) аҳоли кўпроқ қайси касалликлар билан касалланади_____ 16. Оила аъзорларингиздан бирор бир киши тиббий ёрдамга муҳтож бўлиб, уни ололмаган бўлса, сабаби нимада: - тиббий ёрдам учун сарф-харажат қиммат; - тиббий ёрдам учун талаб қилинган харажатни биз беролмаймиз; - талаб қилинган дори-дармонлар қиммат; - тиббий муассаса узоқда жойлашган; - бошқа сабаблар (ёзинг)_____ 17. Сиз яшаётган жой (қишлоқда) зарур тиббий муассасаларни етарли деб ҳисоблайсизми: 1. ха; 2. йўқ. 18. Сиз яшаётган жойда (қишлоқда) аҳолининг саломатлигини ёмонлашувига кўпроқ нималар таъсир кўрсатади: - ичимлик суви сифатининг ёмонлиги; - ҳавонинг ифлосланганлиги; - шовқин-сурон; - касалликларнинг кўп тарқалганлиги; - меҳнат шароитларининг оғирлиги; - бошқа сабаблар (ёзинг)_____ 19. Сиз яшаётган жойда (қишлоқда) аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш учун нималар қилиш лозим_____ 20. Сиз яшаётган жой (қишлоқда) аҳолиси хизмат кўрсатиш муассасалари билан қандай таъминланган: - яхши; - ўртача; - ёмон;